

«Қуръон мусобақаси 1442» ҳифз йўналиши бўйича иккинчи ҳафта саралаш босқичи



20:27 / 13.01.2021 1094

Аллоҳ таоло Муззаммил сурасида «...Қуръонни тартил билан тиловат қил» дея марҳамат қилган.

Яъни, «Қуръонни тартил билан тиловат қил» деб уни дона-дона, ҳар бир ҳарфини ўз махражидан чиқариб, оятларини алоҳида-алоҳида қилиб, тажвид қоидалари асосида ўқишга буюрган.

Қуръонни тартил билан ўқишга бўлган фармони илоҳий барча мўмин мусулмонларга оммавий фармондир. Муҳаммад алайҳиссаломга фаришта Жаброил алайҳиссалом Қуръонни тартил билан ўқиб берганлар.

Шунингдек, Набий алайҳиссалом ҳам умматларига тартил билан ўқиб берганлар. Мусулмон уммати эса авлоддан-авлодга ўз Пайғамбаридан қандай қилиб олган бўлса, шундай ўтказиб келмоқда.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадиси шарифда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай башорат қиладилар: «Қиёмат куни Қуръон қорисига Аллоҳ: «Ўқиб, кўтарилиб боравер, у дунёда қандай ўқиган бўлсанг, шундай ўқи, охирги оятни ўқиган жойинг сенинг (жаннатдаги) мартаба манзилинг бўлади», - дейди».

Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, бугун AzonTV илмий-маърифий онлайн телеканали бошчилигида ташкил этилган устоз Зайниддин қори Муҳаммад

Юсуф хотираларига бағишланган «Қуръони Карим мусобақаси 1442» танловининг «Ҳифз йўналиши» бўйича иккинчи ҳафта саралаш босқичи ўтказилмоқда. Унда юртимизнинг қуйидаги қорилари иштирок этадилар:

1. Абдулқодир Аҳмедов Фарғона вилояти 21 ёш
2. Муҳаммадали Мусаев Фарғона вилояти 29 ёш
3. Абдусамад Тожиддинов Тошкент шаҳри 26 ёш
4. Абдулбосит Абдуллаев Тошкент шаҳри 25 ёш
5. Алишер Бабаханов Наманган шаҳри 35 ёш
6. Сиротулло Акрамжонов Наманган вилояти 26 ёш
7. Хожимухаммад Жўраев Фарғона вилояти 24 ёш
8. Алиаскар Саидқулов Сурхондарё вилояти 20 ёш
9. Жамолиддин Хабибуллаев Тошкент шаҳри 21 ёш
10. Раҳматуллоҳ Абдурасулов Фарғона вилояти 38 ёш

Ушбу саралаш танлови AzonTV онлайн телеканали ва Quran.uz расмий саҳифаларида тўғридан-тўғри намойиш этилади.

Эслатиб ўтамиз, куни кеча «тиловат йўналиши» бўйича ўн иштирокчининг билет танлаш босқичи ўтказилди. Ушбу гуруҳдаги ғолиблар эртага соат 20:00 да эълон қилинади.

Барчангизни Қуръон байрамига таклиф қиламиз.

Қуръон мусобақасини қуйидаги манзилларда томоша қилишингиз мумкин:

<https://www.youtube.com/watch?v=4HVA3cYTd-o>

<https://www.youtube.com/watch?v=h71cA1wfKAU>